



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 15 ноябрь, № 222 (6152)

Шанба



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошлади.

Ушбу масалани кўриб чиқиш асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилинишини инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий кадрлар билан, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг қарорига кўйидаги маҳумларни: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги шахсларни жазодан озод

қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қарорда амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахсларнинг тоифалари ҳам назарда тутилган.

Сенат ўз қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорини қўллаш тартибини белгилади. Ушбу тартибда жиноий жавобгарликдан ва жазодан амнистия ҳужжати мувофиқ озод қилинадиган шахслар ҳусусидаги ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белги-ланмоқда. Бунда амнистия актининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ва қарорни қўллаш тартиб-таомилининг очиқ-ошкоралигини таъминлашда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг миткавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ИСЛОҲОТ, ИНТИЛИШ ВА ИСТИҚБОЛ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Сирдарё вилоятида бугунги кунда енгил саноат тизими жадал ривожланиб, воҳанинг энг чекка ҳудудларида ҳам йирик-йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Ўз навбатида, мавжуд корхоналарда кенг кўламли технологик янгиланишлар амалга оширилиши ҳисобига тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги ошиб бораётир.

Сирдарё туманидаги «Бектекс» корхонаси — шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Бу ердаги технологик жараёнлар энг илғор дастгоҳлар асосида амалга оширилади. Яъни корхона мутахассисларининг айтишича, тикув машиналаридан тортиб, кийимларга тасвир ёки ёзув туширадиган ускуналарга энг сўнгги русумда. Жумладан, Япониядан келтирилган тикув дастгоҳлари юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш имконини беради. Қолаверса, улардан фойдаланиш мuddати ҳам турдошларига қараганда бирмунча узок.

Корхонада ишлаб чиқаришнинг илк босқичи андозалар яратиш ва бичиш ҳажидан бошланади. Айтиш лозимки, бу ерда дастлаб «Гербер» дастури асосида иш бажарилар эди. Яқинда мазкур жараён янада замонавий ва такомиллаштирилган дастурга ўтказилди. Янги технология «Gemini» деб аталиб, у кўлаб афзалликлари билан аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Масалан, «Гербер» дастурида ишлаганда, бичиш-кесиш ишлари 40 дақиқада бажарилган бўлса, янгисида бунинг учун атиги 4 дақиқа кифоа қилмоқда.



«Gemini» дастури деярли бутун ишлаб чиқариш натижаларимизни аввалдан аниқлаб беради, — дейди «Бектекс» масъулияти чекланган жамияти директори Ғанишер Нормухаммедов. — Хусусан, у орқали кийим тикишга ажратилган маълум ҳажмдаги матодан қанча кийим чиқарилиши ва бунга сарфланадиган харажат-

лар миқдорини олдиндан билиш имкониятига эгамиз. Янги дастур барча керакли технологик ахборотларни тайёрлаб бериши билан ҳам жуда аҳамиятли. Шу туфайли матолардан қийим чиқариш кескин камайтиришга эришдик.

(Давоми 2-бетда).

## «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича эришилаётган ютуқлар эътиборга лойиқ»

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда болалар соғлигини муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари ва модернизацияси» мавзусида мамлакатимиз педиатрларининг VII съезди якунланди. Унда юртимиз тиббиёт соҳаси ходимлари билан бирга, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда АҚШ, Германия, Россия, Жанубий Корея, Австрия, Словакия, Чехия, Польша, Ҳиндистон каби давлатлардан 70 нафарга яқин таниқли олим ва профессорлар, малакали шифокорлар иштирок этди.

Тадбир давомида ўтказилган ялпи мажлисида Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича эришилган ютуқлар ҳамда истиқболдаги вазифалар ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Секция мажлисларида эса соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш жараёнида болаларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш ва сифатини ошириш, болалар жароҳлигининг устувор йўналишлари, лор касалликлари билан оғриган болаларни даволаш ва

### ЭЪТИРОФ

реабилитация масалалари, Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда глобал ҳамкорлик сингари қатор мавзулар муҳокама қилинди. Шунингдек, сателлит-конференциялар, маҳорат дарслари ва жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Муҳбиримиз анжуманнинг хорижлик иштирокчиларидан айримлари билан суҳбатлашди.

Алексей ИЛЬЧЕНКО, «Medel» компаниясининг МДХ, Болтикбўйи, Шарқий Европа ва Жанубий Осиё давлатлари бўйича худудий менежери (Австрия):

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Ушбу анжуманда қатнашиб, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва уларнинг натижалари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизда аҳоли саломатлигини асраш, хусусан, оналик ва болалани муҳофаза қилиш мақсадида қатор давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18- моддасидан).

## Жамият ривожининг асоси

Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва эллат вакиллари ўзаро тотувликда, ахил-иноқ яшаб келмоқда. Бинобарин, ҳар бир миллат вакиллари ўз она тили, маданияти, санъати, халқ хунармандчилиги, миллий қадриятларини ривожлантириш имкониятига эга экани жамиятимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларининг устуворлигидан далолат беради.

Бағрикенглик — давлат ва жамият тараққиётининг муҳим асосларидан бири. Айниқса, ҳозирги мураккаб глобаллашув шароитида унинг аҳамияти, долзарб-

лиги тобора ошиб бормоқда. 1995 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида Бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги декларация қабул қилинган ва мазкур сана Халқаро бағрикенглик куни сифатида нишонлаб келинаётгани замирида ҳам дунё халқларини бағрикенгликка, турфа миллат аъналарини ва маданиятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга, энг азиз неъмат — тинчликни асрашга ундаш мақсадлари мужассам.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдиримосига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидаги маҳумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 7-бандига кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда): а) аёллар; б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; в) 60 ёшдан ошган эркаклар; г) чет давлатлар фуқаролари; д) I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек қасддан икки йил-у хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этгани учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш ҳажосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо мuddати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг: а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо мuddати — учдан бир қисмига; б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ мuddатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо мuddати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

7. Татбиқ этилмасин: а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узок мuddатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибиде жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам

афв этиш ёки амнистия тартибиде жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога алмаштирилган шахсларга; б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга; в) ушбу Қарор 1–3, 5-бандларининг амал қилиши — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга; г) ушбу Қарор 1–3, 5, 6-бандларининг амал қилиши — таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар

таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

9. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг январь — сентябрь ойларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми

6,8 фоиз ўсди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳага интенсив агротехнологияларни қўллаш, тақрорий экинлар самарадорлигини ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилгани, айниқса, деҳқонларимизнинг омилиқорлиги ва фидокорона меҳнати натижасида қишлоқ хўжалигида ана шундай юқори ўсиш суръатлари таъминланди.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилиши таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларида жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратида топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шундан кейин сенаторлар, «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар ушбу қонун 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг концепциясини самарали амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратиши, шунингдек, солиқ солиш соҳасида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашни таъминладилар.

Қонун билан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига



Ҳосен ПАЙДОВ олин. сурат.

га ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда, сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун умуман олганда, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкнини янада камайтиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустақамлашга ҳамда солиқ маъмуриятини такомиллаштиришга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш вақтида сенаторлар ушбу қонуннинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига, 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартибларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ тайёрланганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ушбу қонун билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, олишда муҳим аҳамиятга эга. Умуман, комплекс чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомиллари юксалмоқда. Оналар ва гўдаклар ўлими, туғма нуқсонли болалар туғилиши кескин камайди. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрлана азрайди.

Ушбу қонун билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга,

## ■ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисида жамият иқтисодий негизларини янада мустақамлаш, бозор муносабатларини изчил ривожлантириш, ислоҳотларнинг бугунги талабларидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Мухбиримиз билан мулоқот қилган сенаторларнинг таъкидлашича, парламент юқори палатаси мажлисида кўриб чиқилган қонунлар, дастурлар ва бошқа ҳужжатлар мазмун-моҳиятига кўра, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли янгиланишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

# Бағрикенглик ва инсонпарварлик ифодаси

**Э. РЎЗМЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси:**  
— Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масала мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган инсон-

парварлик ва бағрикенглик, миллий қадрларга ҳурмат сиёсатининг яққол ифодасидир. Зотан, билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганларни кечириш, уларга инсонпарварлик ақтини қўллаш бундай қилинган ҳар қандай қилмиш учун жазонинг муқарраблигини англаб етишида жуда муҳимдир. Умуман, юртимизда олиб борилаётган

суд-ҳуқуқ ислоҳотлари моҳиятига ҳам айнан мазкур гоя сингдирилган. Шунингдек, кайда кайда эшитилган, амнистия акти қадимдан амал қилиб келинаётган қадрларини, қолаверса, кишилар эълозлайдиган бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби олий қадрларнинг наздик қирраларини ўзида мужассамлаштирган.

**Е. БОРИСОВА, Республика шойинчи тиббий ёрдам илмий маркази директорининг ўринбосари, сенатор:**

— Ўзбек халқи азалдан аёлни, онани эълозлаб, улуғлаб келган. Бу одамларимизнинг қон-қонига сингиб, миллий қадрларни даражасига кўтарилган. Эътиборлиси, мазкур қадрларни давлатимиз сиёсатининг негизига айланди. Ўзбекистонда Президентимиз бошчилигида аёлларимизга мислсиз эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилиб, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий соҳада, тадбиркорлик, фан ва техника тараққийоти ҳамда давлат қури-

лишидаги нуфузини ошириш каби масалалар доимо эътиборда турибди. Бинобарин, оилада, фарзанд тарбиясида аёлнинг ўрни катта. Баъзи билиб-билмай қилган хатолари, ҳаётда адашганликлари туфайли жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаётган хотин-қизларнинг ортда оиласи, фарзандлари ва ақилларининг тақдирини турибди. Шу сабабли Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори хотин-қизларимизга жамият эътиборини қаратишда, адашганларга эса яна бир имконият берилишида айни муддао бўлди. Биз, албатта, жойларда амнистия ақтининг аҳамияти, давлатимизнинг ғамхўрлиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб борамиз.

**П. АРАББОЕВА, Пахтабод туманидаги «Юқори» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, сенатор:**

— Бағрикенглик, кечиримлик улуғ аждодларимиздан мерос фазили. Шу маънода айтганда, амнистия ақтини минглаб одамлар, фарзандлар, оилалар интиқиб кутмоқда. Айни сабабли ушбу ҳужжатнинг амалда қўлланилиши са-

мардорлигини, очиқ ва ошкоралигини таъминлаш жуда муҳимдир. Мазкур амнистиянинг ижроси, айниқса, сенаторлардан катта масъулият талаб қилади. Яъни биз бевосита халқ билан мулоқотда бўлиб, унинг мазмун-моҳиятини тўғри етказишда фаоллик кўрсатишимиз зарур. Ялпи мажлисида алоҳида урғу берилганидек, амнистия ақтини қўллашда жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкораликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оши-

риш кўзда тутилмоқда. Бу ишга мутасадди идоралар билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам фаол жалб этилади. Шу билан бирга, амнистия тўғрисидаги қарор асосида жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**Д. СИДИҚОВ, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор:**

— Бугун Ўзбекистон жамият ҳаётининг барча жабҳаларида улкан марраларни қўлга кiritиб, ўзининг стратегик мақсади — демократик ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олиш сари дадил қадам ташламоқда. Энг муҳими, бу муваффақиятлар халқро ҳамжамият, нуфузли экспертлар, илмий тадқиқот институтлари эътирофи сазовор бўлаётган. Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар ана шу натижалар асосининг яққол намоиши, десак, муболага эмас. Негаки, мамлакатимизнинг келгуси йил учун бюджет-

солиқ сиёсати ва иш ўринлари ташкил қилиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш параметрларида доир масалалар Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий янгиланишлар, яъни икки маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, жойларда, айниқса, қишлоқларда аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Биргина сўнгги йиллардаги анъанага содиқ қолган ҳолда Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳага асосий урғу берилгани фуқароларнинг Конституцияимизда белгилаб қўйилган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашга ҳизмат қилади.

Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

## ■ ТАДБИР

Севимли шоира, жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг ибратли ҳаёти, бетақдор истезоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат тўғриси, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етуқ бадиий асарлари билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан эълозаниб келинмоқда.

## Юксак эҳтиром намунаси

Президентимизнинг жорий йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори садоқат ва вафо рамзига айланган ардоқли шираимизга кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида ўтказилган тадбирда шулар хусусида сўз юритилди. Унда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Зулфияхоним ижодини ўрганиш, унинг инсоний фазилатларини ёш авлодга ибрат сифатида кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат муқофоти таъсис этилгани, ҳозиргача 212 нафар иқтисодий киз адабиёт, таълим, санъат, маданият, спорт каби йўналишларда ушбу нуфузли муқофот билан тақдирлангани юртимизда Зулфияхоним издошлари — иқтисодий, оқила, зуққо, фаол қизлар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни чоғда Зулфия таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тақдирлаш иштирокчилар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳамкорликда тайёрланган Зулфия ҳаёти ва ижодида бағишланган веб-сайт лойиҳаси тақдиротида уни янада муқамлаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Зиёда АШУРОВА.

## «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича эришилаётган ютуқлар эътиборга лойиқ»

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Соғлом она — соғлом бола» дастури асосида худудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика иختисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказлари, перинатал ҳамда скрининг марказлари, туғуруқхона мажмуалари, худудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ташкил этилгани диққатга сазовордир. Қолаверса, мамлакатимизда энг чекка аҳоли пунктларида яшовчи фуқароларга ҳам худди шаҳарлардаги каби бир хилда малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароити яратилгани ибратга молик. Чунки баъзи давлатларда, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари, асосан, шаҳарларда жойлашганлиги туфайли қишлоқ аҳолиси тиббий хизматлардан фойдаланишда муайян қийинчиликларга дуч келиши бор гап. Шу маънода, Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича эришилаётган ютуқлар эътиборга лойиқ.

Тадбир доирасида биз Республика иختисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти билан ҳам ақиндан танишидик. Мазкур давлолаш муассасаси кўркэм биналарда жойлашган бўлиб, замонавий моддий-техник базага эга. Шунга уйғун тарзда шифкорларнинг ўз соҳасида катта тажриба орттир-

ни улар бажараётган ноёб операциялар муваффақиятида ҳам кўзга яққол ташланиб турибди. Компаниямиз тиббиёт соҳасида қўлланадиган технологиялар ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган. Мамлакатингиз тиббиёт муассасалари билан йўлга қўйган ҳамкорлигини соғлиқни сақлаш соҳасидаги ютуқларни янада мустақамлашга ҳизмат қилади, деган умиддаман.

**Роберт ФУДЕРИЧ, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом ва барқамол авлоднинг тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг мамлакатингизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани ва шу асосда махсус дастур ижроси ҳам бунинг яна бир тасдиғидир.

Мамлакатда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мустақам асоси яратилган. Таълим, соғлиқни сақлаш соҳасида эришилаётган ютуқлар бугун халқро микёсда алоҳида эътироф этилаётган. Масалан, юртингизда аҳолини изчил ва самарали эмлаш дастури муваффақиятли амалга оширилаётган. Бундай ёндашув, айниқса, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турли ҳавфли юкумли касалликлар тарқалишининг олдини

олишда муҳим аҳамиятга эга. Умуман, комплекс чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомиллари юксалмоқда. Оналар ва гўдаклар ўлими, туғма нуқсонли болалар туғилиши кескин камайди. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрлана азрайди.

**Салмай ТУРИАЛ, болалар жарроҳи (Германия):**

— Она ва бола саломатлигини асраш ўта муҳим, шу билан бирга, мураккаб вазифа ҳисобланади. У бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда стационар даволаш, мунтазам профилактика кўригидан ўтказиш, эмлаш орқали касалликларнинг олдини олиш, скрининг воситасида эрта таъхис қўйиш, шунингдек, иختисослаштирилган тиббий хизмат тизимини ўз ичига олади. Ўзбекистонда таъбиқ этилган «Соғлом она — соғлом бола» дастурида ана шу жиҳатларнинг барчаси муҳим аҳамият берилмоқда. Булар соғлом келажақ учун қўйилаётган муҳим қадамлардир.

Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.

## ИСЛОҲОТ, ИНТИЛИШ ВА ИСТИҚБОЛ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бинобарин, бундай самарали жараёни кийимларга расм ва бошқа безаклар туширишда ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, 177 миң АҚШ доллари эвазига олинган 2 та усқунанинг хотира-сида 12 хил ранг мавжуд. Яъни бу дизайнерлар учун кенг имконият яратиб, кийимлар ранг-баранглигини таъминлайди.

Корхона маҳсулотлари юз фоиз хориж бозорларига йўналтирилмоқда. Жумладан, жорий йилда иш бошлаган мазкур янги ишлаб чиқариш субъекти томонидан қисқа муддатда бир миллион 200 миң АҚШ долларилик кийим-кечак ташқи бозорда сотилгани эътирофга лойиқ. Таъкидлаш жоизки, корхона қуввати анча юқори. Жамоа томонидан ҳар ойда 200 миңдан 300 миң донагача тайёр маҳсулот ишлаб

чиқарилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Хозир бу ерда 300 киши иш билан банд. Уларнинг аксарияти касб-хунар коллежаларини битирган ёшлардир. Сўнгги жиҳозлаш ишлари бажарилаётган алоҳида гул босиш цехи фойдаланишга топширилган, яна 25 кишини бандлиги таъминланади.

Эътироф этиш лозимки, вилоятда энгил саноатнинг жадал равнақ топаётгани худуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Минглаб янги иш ўринлари яратилгани ҳолда толадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи ортиб, соҳа вилоятдаги экспорт салоҳияти юқори тармоққа айланиб бормоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республи-

вакилларига нисбатан кенг-феллик ўзбекларда шу қадар ривожланганки, миллий маънавий кенгфеллик уларнинг маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланб кетган. Тадбирда иштирок этган етакчи социолог-олимлар,

## Жамият ривожининг асоси

каси Миллий маркази, Республика Байналмилал маданият маркази ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда «Миллатларро муносабатлар ва бағрикенгликни социологик ўрганиш (Ўзбекистон ва Германия тажрибаси)» мавзусида ташкил этган давра суҳбати ҳам Халқро бағрикенглик кунига бағишланди.

Таъкидланганидек, миллатларро, конфессияларро, маданиятларро ва тилларро бағрикенглик — ўзбек халқининг ўзига ҳос тарихий хусусиятидир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бошқа миллатларнинг

демографлар, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар, республика олиий ўқув юртлари вакиллари шулар хусусида сўз юритаркан, Ўзбекистонда миллатларро муносабатларнинг шаффофлиги, барқарорлиги юрда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг, барча соҳаларда қўлга киритилаётган оламшумул ютуқларнинг муҳим омил эканини таъкидладилар. Зеро, миллатларро тотувлик ва ҳамжиҳатлик энг катта бойлигимиз — тинч ва осойишта ҳаётимизнинг гаровидир.

Ф. МАҲҚАМОВА.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



Ана шу корхоналарнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодий жиҳатдан ночор субъектларни молиявий соғломлаштириш мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Бу жараёнда республикамиз тижорат банклари фаол иштирок этиб, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирларига инвестициялар йўналтирилаётгани туфайли кўплаб sanoat корхоналари ўз фаолиятини қайта тиклашга муваффақ бўлаётти. Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

# Реал сектор корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги

Республикамизда энг йирик инвестиция банки ҳисобланган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, айниқса, ушбу ҳужжатда белгиланган берилган вазифалар ижросини таъминлаш учун барча имкониятни ишга солмоқда. Натигада бугунги кунга қадар банк балансида 68 та иқтисодий ночор корхона қабул қилиниб, уларни соғломлаштириш чора-тадбирлари кўриляпти.

Рур таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Шу билан бирга, активлар банк томонидан ташкил этилган «НБУ Инвестмент» ва «НБУ Инвест Групп» инвестиция компаниялари томонидан самарали бошқарилиди, бу банкрот корхоналар негизда ташкил этилган янги ҳўжалик йорувчи субъектларда 8200 дан зиёд иш ўринлари яратилиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар иш-

лаб чиқариш имкониятини вужудга келтирди. Натигада ўтган давр мобайнида буюртмачиларга 850 млрд. сўмлик маҳсулот етказиб берилди, шу жумладан, 191 млн. АҚШ долларлик экспорт амалиётлари бажарилди. Ислохотларнинг навбатдаги босқичида эса банк томонидан корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш тадбирлари кўриляпти. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги кунга

таъминланишида тижорат банкларининг роли тобора ошиб бормоқда

қадар 38 та корхона, шу жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 13 та корхона янги инвесторларга сотилиши таъминланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги «Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга ва банклар томонидан корхоналарни янги инвесторларга сотишни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида берилган имтиёз ва энгилликлар айни муддао бўлди.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда Миллий банк балансида ўтказилган бошқа банкрот корхоналар фаолияти ҳам тўлиқ қайта тикланиб, уларда кўплаб янги иш ўринлари яратилгани, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланган эътиборга моликдир. Бу давлатимиз раҳбарининг Фармонида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, ислохотлар стратегиясини изчил давом эттиришда «Ўзмилийбанк» фаол қатнашаётганлигини далolatлардир.

Банк матбуот хизмати.

**Илхом НАРЗИҚУЛОВ, «Амина голд инвест» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

